

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ-16-сонли фармони ижроси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
1.	12.1-банд. 2025 йилда табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида 1 минг км каналларни бетон қопламага ўтказиб, сув тежовчи технологиялар қамровини 1,6 млн. гектарга етказиш ҳисобига йилига қўшимча 2,5 млрд. м ³ сувни тежашга эришиш бўйича тармоқ жадвал ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2025 йил 25 декабрь	Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев томонидан 2025 йил 10 февраль куни 2025 йилда 1 минг километр каналларни бетон қопламага ўтказиб, сув тежовчи технологиялар қамровини 1,6 млн. гектарга етказиш ҳисобига йилига қўшимча 2,5 млрд. ³ сувни тежашга эришиш бўйича тасдиқланган тармоқ жадвалида 573,8 км каналларни бетонлаш, 21 км лоток ва 49,3 км ёпиқ қувурли суғориш тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 20 минг км ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича режа-жадваллари тасдиқланган.
2.	12.2-банд. 2025 йилда табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида насос станцияларида эскирган насос ва электр двигателларни замонавий энергия тежамкорларига алмаштириш, сув ресурслари ҳисобини такомиллаштириш орқали насос станцияларининг электр энергия истеъмоли 300 млн. кВт. гача камайтирилишини таъминлаш.	2025 йил 25 декабрь	2025 йил январь-декабрь ойлари давомида ҳудудий насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан 157 та насос ва 166 та электродвигателлар янгисига алмаштирилган. Вазирлик тасарруфидаги насос станциялар ва тик қудуқларни ишлатиш учун: 2017 йилда 8 342 млн. кВт/соат; 2020 йилда 7 172 млн. кВт/соат; 2024 йилда 6 505 млн. кВт/соат электр энергияси сарфланган бўлиб (2017 йилга нисбатан 22%) кам сарфланган. 2025 йилда насос станциялар ва тик қудуқларни ишлатиш учун 6 840 млн. кВт/соат электр энергияси лимити белгиланганлиги 10 декабрь ҳолатига 6 208,6 млн. кВт/соат сарфланган. Тасдиқланган лимитга нисбатан 467,2 млн. кВт/соат электр энергияси тежалишига эришилган.
3.	12.3-банд. Ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини куриш ва реконструкция қилиш орқали 390 минг гектар кишлок хўжалиги ер	2025 йил 25 декабрь	Ҳисобот даврида 1864,4 км каналларни реконструкция қилиш ва бетонлаштириш ишлари бажарилган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 20 минг км ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича режа-жадваллари тасдиқланган бўлиб, бу борадаги ишлар тўлиқ бажарилган.

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
	майдонларининг сув таъминотини яхшилаш. Ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини куриш ва реконструкция қилиш орқали 390 минг гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг сув таъминоти яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.		Белгиланган жами 879,6 минг гектар майдонда сув тежайдиган технологиялар, жумладан, 103,2 минг гектарда томчилатиб, 30,7 минг гектарда ёмғирлатиб, 13,7 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинган ҳамда 123,1 минг гектар майдонлар эгатга плёнка тўшаб ва эгилувчан қувурлар орқали суғорилган, 608,9 минг гектар майдонларда лазерли текислаш ишлари амалга оширилган. Натижада каналларни бетонлаштириш ва суғориш тармоқларини реконструкция қилиш ҳамда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали 2025 йилда 460,1 минг/га қишлоқ хўжалиги, 85,2 минг/га аҳоли томорқа ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланиб, суғориш мавсумида 8,75 млрд. м³ сув тежалишига эришилган.
4.	12.4-банд. Сарфланаётган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида магистрал каналлар ва муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизими жорий этилиши; Сарфланаётган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида магистрал каналлар ва муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил 25 июнь	Дарёлар, магистрал каналлар ва муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш юзасидан вазирлик томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилган. Жумладан: соҳада мавжуд барча ахборот тизимларини умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиш имкониятини берувчи “Рақамли сув хўжалиги” ягона платформасини яратиш ишлари бошланиб, бугунги кунда “Вазиятлар маркази” ташкил этилган; соҳани рақамлаштириш учун республика бюджетидан ажратилган ва бугунги кунга қадар ишлатилмаган 50,7 млрд. сўм маблағни асосий сув манбаларидан республика чегарасида олинаётган сув сарфини реал вақт режимида аниқлаш имконини берувчи қурилмалар ўрнатиш ҳамда автоматлаштириш ва бошқа ишларга йўналтиришга рухсат берилишини сўраб Президент Администрациясига ахборот хати киритилган. Президент Администрациясининг топшириғи (8.08.2025 й. 02-РА 1/1-2392/5-сон)га асосан ушбу ахборот хатида кўрсатилган таклифларга розилик олиниб, бугунги кунда ушбу қурилмаларни харид қилиш ва келгуси йил якунига қадар ишга тушириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025–2028 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-250-сонли қарорининг 1-иловасига асосан тасдиқланган дастурнинг 1.4-бандида: Республикада сув сарфи ҳисоби ва ҳисоботининг тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисобини

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
			юрितिш тизимини жорий этиш. Бунда 2026 йил якунига қадар Давлат чегарасида олинаётган сув миқдорини реал вақт режимида кузатиш имкониятини яратувчи камида 300 та рақамли сув ўлчаш қурилмасини ўрнатиш ҳамда марказлашган маълумотлар базасига интеграция қилиш белгиланган. Шунингдек, Президент Администрацияси раҳбарининг топшириғи (30.08.2025 й. 02-1418-сон)га кўра, тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 3-бандида: барча гидropостларда онлайн сув кузатуви тўрт босқичда йўлга қўйиш, бунда 1-босқичда – 322 та трансчегаравий ва 28 та вилоятлараро нукталарга ўрнатиш ва 2026 йил март ойидан бошлаб тендер савдоларини эълон қилиш кўрсатиб ўтилган.
5.	7-илова 1-банд. Худудларда сувни тежовчи технологияларни жорий қилишни жадаллаштириш. Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича талабгорлар кесимида манзилли рўйхатларни тасдиқлаш.	2025 йил февраль ойидан бошлаб йил давомида	Республика бўйича жами 767 328 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича талабгорлар кесимида манзилли рўйхатлар ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва барча вилоят ҳокимликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган. Ушбу манзилли рўйхатга асосан Республика бўйича 74 680 гектарда томчилатиб, 35 303 гектарда ёмғирлатиб, 27 500 гектарда дискрет, 84 000 гектарда эгилувчан кувурлар, 10 000 гектарда эгатга плёнка тўшаб суғориш ва 535 845 гектарда лазерли текислаш режалаштирилган.
6.	7-илова 1.2-банд. Худудларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни жадаллаштириш. Тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан талабгор ва пудрат корхоналари ўртасида “suvkredit.uz” платформаси орқали шартномалар расмийлаштириш ва молиялаштиришни амалга ошириш.	2025 йил февраль ойидан бошлаб йил давомида	Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли қарорига мувофиқ, 2024 йилдан бошлаб сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига “suvkredit.uz” платформаси орқали 5 йил муддатга шундан, 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилиши йўлга қўйилган. Худудларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш юзасидан “suvkredit.uz” платформаси орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилари ва қурувчи пудрат корхоналари ўртасида онлайн пудрат шартномалари расмийлаштирилиб, 40,8 минг гектарда сув тежайдиган технологиялар ҳамда 214,2 минг гектар майдонларга лазер ускунаси ёрдамида текислаш учун “Агробанк” АТБ томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилган.
7.	7-илова 1.3-банд.	2025 йил февраль	2025 йилда республика бўйича фаолият олиб бораётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилари ва қурувчи пудрат корхоналари ўртасида “suvkredit.uz” платформаси орқали онлайн пудрат шартномалари

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
	Худудларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни жадаллаштириш. Пудрат шартномаларида белгиланган муддатларда қурилиш-монтаж ишларини якунлаш чораларини кўриш.	ойидан бошлаб йил давомида	расмийлаштирилди ва 40,8 минг гектарда сув тежайдиган технологиялар ҳамда 214,2 минг гектар майдонларга лазер ускунаси ёрдамида текислаш учун “Агробанк” АТБ томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши чоралари кўрилган. Ўз навбатида, мутахассислар томонидан худудларда пудрат шартномасида шартлари ва лойиха ҳужжатлари асосида технологияни жорий қилиш ишларининг нархи аниқ бўлиб, “Буюртмачи” томонидан 50% бўнак (аванс) маблағи тўлаб берилгандан сўнг, “Пудратчи” шартнома шартларини бажаришга киришади ва 45 кун муддатда ёки томчилаб суғориш ҳамда дискрет суғориш технологиялари ўрнатиш учун ҳосил йилининг 25 май кунидан, ёмғирлатиб суғориш технологияларини ўрнатиш учун ҳосил йилининг 10 апрелидан кечиктирмасдан қурилиш ишларини тўлиқ якунланиши бўйича чоратадбирларни амалга ошириш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилган. Натижада жами 879,6 минг/га майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 103,2 минг/га. да томчилатиб суғориш, шундан 83 минг/га пахта, 20,2 минг/га бошқа экинлар, 30,7 минг/га. да ёмғирлатиб, 13,7 минг/га. да дискрет суғориш технологиялари жорий қилинган ҳамда 123,1 минг/га майдонлар эгатга плёнка тўшаб ва эгилувчан қувурлар орқали суғорилган, 608,9 минг/га майдонда лазерли текислаш ишлари амалга оширилган.
8.	7-илова 2-банд. Маҳаллий корхоналарнинг сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш қувватларини ошириш. Сув тежовчи технологияларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда маҳаллий корхоналарнинг йиллик қувватини камида 300 минг гектарга етказиш.	2025 йил февраль ойидан бошлаб йил давомида	Маҳаллий корхоналарнинг сув тежовчи технологияларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида бир қатор енгиллик ва имтиёзлар берилиш натижасида бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сони 60 тани ташкил этиб, маҳаллийлаштириш даражаси 80 фоизга, йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 300 минг гектарга етказилган. Шундан, 44 та корхона томонидан томизғичли шланглар ва ҳар хил турдаги полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, 10 та корхоналар томонидан филтрлаш қурилмалари ва насос агрегатлари, 6 та корхоналар томонидан геомембрана ҳамда геотекстил маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқариш саноати кенгайиши натижасида худудларда ўтган йилларда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдонларда фойдаланилган бир йиллик томизғичли шлангларни утилизация қилиш ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонларга сервис хизмат кўрсатиш марказлари ва савдо шохобчалари ташкил қилинган.

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
			Бутловчи қисмларнинг таннархини хориждан ташиш харажатларини тежаш ҳисобига 15–20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5–7 млн. сўмга арзонлаштириш, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда ички бозор тўлиқ таъминланиб, қўшни давлатларга экспорт қилиш имкони яратилган.
9.	7-илова 3-банд. Каналларда сув йўқотилишининг олдини олиш бўйича замонавий ва самарали ёндашувларни жорий қилиш. Каналларни бетонлаштириш билан бирга мазкур мақсадларда узоқ муддатга чидамли плёнкадан фойдаланиш амалиётини ҳам йўлга қўйиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	2025 йил апрель	Лойиҳа доирасида каналларни бетонлаштириш билан бирга узоқ муддатга чидамли пленкадан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти мутахассислари Қарши тумани Қовчин маҳалласи ҳудудидаги Р-19 хўжаликлараро суғориш каналининг 500 метр тажриба участкада ҳар 100 метрлик бўлакда замонавий фильтрацияга қарши қопламалар синовдан ўтказилган. Геомембрана, базальтлик геосетка, узоқ муддатга чидамли пленка, базальтлик композит лоток ва қувурлар, базальтлик фибра қўшилган бетон қопламаларни ишончлилиги бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Каналларда сув йўқотилишининг олдини олиш бўйича замонавий ва самарали ёндашувлар бўйича илмий асосланган Қарши туманидаги каналга фильтрацияга қарши экспрементал қопламалар ўрнатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган: – HDPE мембрана; – Бетон полотно; – Базалт геотўр; – Базалт композит лотоклар ва қувурлар (DN 300 мм); – Базалт толаси қўшилган бетон.
10.	7-илова 7.1-банд. Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали суғориладиган ерларда шўрланган майдонларни 26 минг гектаргача камайтириш. Мелиоратив объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича йиллик	2025 йил февраль ойидан бошлаб йил давомида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–465-сонли қарорига асосан 449,3 км мелиорация объектларида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган. Жорий йилда манзилли дастурга киритилган 41 та объект доирасида жами 501,6 км (режага нисбатан 111,6%) мелиорация объектлари, шундан, 378,2 км коллекторлар ва 123,4 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган. Ушбу тадбирлар натижасида, жорий йилда республиканинг турли

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
	дастурни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш.		худудларида жами суғориладиган ерларда ер ости сув сатҳи муаммоли ҳолатда бўлган ер майдонларининг 744 минг/га ёки ўтган йилга нисбатан 75 минг/га, шўрланган майдонлар улуши 1 833 минг/га. ни ташкил этиб, шўрланган майдонлар 49 минг/га. га камайшига эришилган.
11.	7-илова 7.2-банд. Мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш орқали суғориладиган ерларда шўрланган майдонларни 26 минг гектаргача камайтириш. Шўр ювиш технологияларига риоя қилган ҳолда ерларни лазерли текислаш, тупроқларни чуқур юмшатиш каби ишларни амалга ошириш.	2025 йил февраль ойидан бошлаб йил давомида дастурга мувофиқ	2024–2025 йиллар куз-қиш даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда экин майдонлари кесимида шўрланиш даражаси ва шўр ювиш тадбирларини ўтказиш графиклари ишлаб чиқилиб, 739,2 минг гектар шўр ювиш ишлари амалга оширилган. Худудий мелиоратив экспедициялар томонидан шўр ювиш тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, ҳар бир кластер ва фермер хўжаликларига етказилиб, республика, вилоят ва туманлар кесимида кўргазмали илмий-амалий семинарлар ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2025 йил давомида жами 535,8 минг гектар майдонда лазерли ер текислаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 608,9 минг гектар (режага нисбатан 114%) майдонларда ушбу тадбирлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган. Ушбу тадбирлар натижасида, жорий йилда республиканинг турли худудларида жами суғориладиган ерларда ер ости сув сатҳи муаммоли ҳолатда бўлган ер майдонлари 744 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 75 минг гектарга, шўрланган майдонлар улушини 1 833 минг гектарни ташкил этиб, шўрланган майдонлар 49 минг гектарга камайишига эришилган.
12.	7-илова 8.1-банд. Сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш. Автоматлаштириладиган сув хўжалиги объектлари рўйхатини шакллантириш.	2025 йил февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2025 йилда автоматлаштириладиган сув хўжалиги объектлари рўйхати шакллантирилган. Рўйхатга асосан республика бўйича жами 13 та сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш режалаштирилган: – Қорақалпоғистон Республикасида 1 та; – Андижон вилоятида 1 та; – Бухоро вилоятида 1 та; – Жиззах вилоятида 1 та; – Қашқадарё вилоятида 1 та; – Навоий вилоятида 1 та;

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
			– Самарқанд вилоятида 1 та; – Сурхондарё вилоятида 1 та; – Сирдарё вилоятида 1 та; – Хоразм вилоятида 4 та. Маълумот учун: Амалга оширилган ишлар ҳақида вазирликнинг (19.02.2025 й. 02/24-174-сон) хати орқали Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигига ахборот тақдим қилинган.
13.	7-илова 8.2-банд. Сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш. Объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, давлат экспертизасидан ўтказиш ва тендер савдоларини амалга ошириш.	2025 йил май	2025 йилда 12 та йирик сув хўжалиги объектларини автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтказиш белгиланган. Белгиланган режа кўрсаткичларга асосан жорий йилнинг I чорагида Самарқанд вилоятида 1 та (“Қозоқбанд” сув тақсимлаш иншооти), Жиззах вилоятида 2 та (ДМ-1 каналининг ПК-399+00 қисмидаги иншоот ва Сангзор дарёсидаги 1-сонли сув тақсимлаш иншооти) объект автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтказилган. Шунингдек, 2025 йилга белгиланган режа кўрсаткични тўлиқ бажариш учун талаб этиладиган 9 та (Андижон вилоятида 1 та, Хоразм вилоятида 4 та ва Фарғона вилоятида 4 та) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ҳамда давлат экспертизасидан ўтказилиб, пудратчи ташкилотлар аниқланган. Хоразм вилоятидаги 4 та йирик сув хўжалиги объектини автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтказиш ишлари Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баёни (27.09. 2024 й. 102-сон)га асосан ирригация тармоқларини реконструкция қилиш лойиҳалари таркибига киритилган.
14.	7-илова 8.3-банд. Сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш. Объектларда қурилиш-монтаж ишларини якунлаш.	2025 йил декабрь	Ҳисобот даврида 16 та сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтказилган. Жумладан, Андижон вилоятида 1 та (“Қўшариқ” гидроузели), Жиззах вилоятида 2 та (ДМ-1 каналидаги гидротехник иншоот ва Сангзор дарёсидаги 1-сонли сув тақсимлаш иншооти), Самарқанд вилоятидаги 1 та (“Қозоқбанд” сув тақсимлаш иншооти), Фарғона вилоятида 8 та (Жанубий Фарғона магистрал каналидаги “Қумтепа”, “Бўзахўр”, “Бўстон” ва “Ўзбекистон” гидроиншоотлари, “Олмазор” сув тақсимлаш иншоотлари, КАК тўйинтирувчи каналидаги бош иншооти, Яккатут-1-2 ва Зилха-2 сув тақсимлаш иншоотлари), Хоразм вилоятида 4 та (“Қўриқтом-1” каналидаги сув тусувчи иншооти,

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
			“Дўстлик яб”, “Эски Хонобод” ва “Қўриқтом” каналларидаги бош сув олиш иншоотлари) объектда қурилиш-монтаж ишлари якунланган.
15.	7-илова 9-банд. Ирригация соҳасига хусусий секторни жалб қилиш, давлат-хусусий шерикликни кенг жорий қилиш ҳисобига хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш. Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари ҳисобидаги 200 та насос станциясини ДХШ асосида бошқарувга бериш чораларини кўриш орқали электр энергияси истеъмолини 30 фоизгача камайтириш.	2026 йил 25 ноябрь	Вазирлик томонидан жорий йилда 200 та насос станцияни ДХШ шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли ҳулоса олиш учун тақдим этилиб, ижобий ҳулосалар олинган. Шундан, 34 та насос станция бўйича хусусий шерик билан битимлар имзоланиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда реестрга киритилган. Шунингдек, 50 та насос станциясини ДХШ шартлари асосида хусусий сектор бошқарувига бериш бўйича битимлар имзоланиб, реестрдан ўтказиш учун вазирликнинг хати (31.07.2025 й. 05/16-4231-сон) билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилган. Президент Администрациясининг топшириғи (30.08.2025 й. 02-1418-сон) билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 9.3-бандига кўра, 2025 йил якунига қадар янги ДХШ битимларини тузиш таққиланган. Президент Администрациясининг топшириғи (17.11.2025 й. 02-РА, 1-18331-сон)га мувофиқ, ушбу банднинг ижро муддати 2026 йил 25 ноябрга қадар узайтиришга рухсат берилган.
16.	7-илова 11.1-банд. Насос станцияларида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ва энергия истеъмолини камайтириш. Эскирган 150 та насосларни замонавий энерготежамкор турларига алмаштириш ва 6,8 млн. кВт/соат электр энергия тежалишига эришиш.	2025 йил 25 декабрь	Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил январь-декабрь ойлари давомида ҳудудий насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан 157 та насос ва 166 та электродвигател янгисига алмаштирилган. Вазирлик тасарруфидаги насос станциялар ва тик қудуқларни ишлатиш учун: 2017 йилда: 8 342 млн. кВт/соат, 2020 йилда 7 172 млн. кВт/соат ва 2024 йилда 6 505 млн. кВт/соат электр энергияси сарфланган бўлиб, 2017 йилга нисбатан 22% кам сарфланган. 2025 йилда насос станциялар ва тик қудуқларни ишлатиш учун 6 840 млн. кВт/соат электр энергияси лимити белгиланганлиги 10 декабрь ҳолатига 6 208,6 млн. кВт/соат сарфланган. Тасдиқланган лимитга нисбатан 467,2 млн. кВт/соат электр энергияси тежалишига эришилган.
17.	7-илова 11.2-банд. Насос станцияларида энергия тежамкор технологияларни жорий	2025 йил 25 декабрь	2025 йилда насос станциялари ва тик қудуқларга 6,8 млрд. кВт/соат электр энергияси ажратилган. 2025 йилда сув хўжалигида “Насослар самарадорлигини ошириш йили” деб эълон қилинган бўлиб, 2025 йил 10 декабрь ҳолатига амалда 5,8 млрд. кВт/соат

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
	этиш ва энергия истеъмолини камайтириш. Энергия тежамкор қурилмалар ўрнатиш ва модернизация қилиш орқали насос станцияларининг йиллик электр энергия истеъмолини 6,8 млрд. кВт. дан оширмаслик чораларини кўриш.		сарфланган ҳамда тасдиқланган лимитга нисбатан 100 млн. кВт/соат электр энергияси тежалишига эришилган.
18.	8-илова 1-банд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025–2027 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиққа киритиш.	2025 йил 25 март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025–2027 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиққа киритиш.
19.	9-илова 1-банд. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектаргача етказиш.	2025 йил давомида	Республика бўйича 2025 йилда жами 500 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича манзилли рўйхатлар ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва барча вилоят ҳокимликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган. Ҳисобот даврига қадар “suvkredit.uz” платформасига талабгор-ларнинг майдонлари учун ариза топшириш ишларига кўмаклашилиб, “Сув етказиб бериш хизмати” ДМлар томонидан ижобий хулосалар берилиши таъминланган.
20.	9-илова 2-банд. Тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ҳамда ички суғориш тармоқларини ёпиқ қувурли суғориш тизимларига ўтказиш бўйича етти йиллик дастур доирасида ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг	2025 йил декабрь	Капитал қўйилмалар ҳисобидан жорий йилда 553,3 км каналлар, 29,4 км лоток ва 49,1 км ёпиқ суғориш тармоқларида қуриш, реконструкция қилиш ва бетонлаштириш ишлари бажарилган. Шунингдек, Президент Администрацияси топшириғига мувофиқ 2024 йил октябрдан 2025 йилнинг апрель ойига қадар фермер-кластерлар ҳисобидаги 4 641 км хўжалик ички суғориш тармоқлари;

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
	фойдали иш коэффициенти кўрсаткичини 0,73 гача етказиш.		Туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ҳисобидаги икки ва ундан ортиқ истеъмолчига хизмат кўрсатувчи хўжалик ички суғориш тармоқларининг 1 413 км қисми бетонланган.
21.	9-илова 3-банд. Сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қувватини 300 минг гектарга етказиш.	2025 йил давомида	Маҳаллий корхоналарнинг сув тежовчи технологияларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш қувватлари оширилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда яратилган енгиллик ва имтиёз натижасида бугунги кунга келиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сони 60 тани ташкил этади. Маҳаллий корхоналардан 44 таси томизғичли шланглар ва ҳар хил турдаги полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар ишлаб чиқарувчи корхоналар, 10 таси филтрлаш қурилмалари ва насос агрегатлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, 6 таси геомембрана ҳамда геотекстил маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади (“Томчи” мобил иловасида бу тўғрисида саҳифа мавжуд). Шунингдек, корхоналарнинг жорий йил IV чорагига келиб маҳаллий ишлаб чиқариш қуввати 300 минг/га. га етказилган. Маҳаллий ишлаб чиқариш саноати кенгайиши замирида ҳудудларда ўтган йилларда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдонларда фойдаланилган бир йиллик томизғичли шлангларни утилизация қилиш ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонларга сервис хизмат кўрсатиш марказлари ва савдо шохобчалари ташкил қилинган.
22.	9-илова 4-банд. Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида суғориладиган ер майдонларида шўрланган майдонларни 1,7 млн. гектаргача камайтириш.	2025 йил давомида	Жорий йилда манзилли дастурга киритилган 41 та объект доирасида жами 501,6 км (режага нисбатан 111,6%) мелиорация объектлари, шундан, 378,2 км коллекторлар ва 123,4 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган. Шунингдек, 2024–2025 йиллар куз-қиш даврида барча вилоят ва туманлардагидекин майдонлари кесимида шўрланиш даражаси ҳамда шўр ювиш тадбирларини ўтказиш графиклари ишлаб чиқилди. Ушбу графиклар асосида 739,2 минг/га майдонда шўр ювиш ишлари, шунингдек, 1 535,6 минг/га ғалла майдонларида бостириб суғориш тадбирларини амалга ошириш натижасида шўрланиш даражасининг камайишига эришилмоқда. Худудий Мелиоратив экспедициялар томонидан шўр ювиш тадбирларини сифатли ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, ҳар бир кластер ва фермер хўжаликларига етказилиб, республика, вилоят ва туманлар кесимида кўргазмали илмий-амалий семинарлар ташкил қилинган.

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
			Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2025 йил давомида жами 535,8 минг/га майдонда лазерли ер текислаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 608,9 минг/га (114%) майдонларда ушбу тадбирлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган. Натижада жорий йилда шўрланган майдонлар 48 минг/га, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 62,5 минг/га, ер ости суви юқори бўлган майдонлар эса 75,4 минг/га. га қисқариб, белгиланган прогноз кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.
23.	9-илова 5-банд. Кучли ва ўрта шўрланган суғориладиган ер майдонларини 430 минг гача, ер ости сув сатҳи муаммоли ҳолатда бўлган ер майдонларини 773,4 минг гача камайтириш.	2025 йил давомида	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2025 йил давомида жами 535,8 минг/га майдонда лазерли ер текислаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 608,9 минг/га (114%) майдонда амалга оширилган. Натижада жорий йилда шўрланган майдонлар 48 минг/га, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 62,5 минг/га, ер ости суви юқори бўлган майдонлар эса 75,4 минг/га. га қисқариб, белгиланган прогноз кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.
24.	9-илова 6-банд. Тупроқ ўзанли бўлган магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг бетон қопламали улушини 46 фоизга етказиш.	2025 йил давомида	Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари ҳисобида жами 28 736 км магистрал ва хўжаликлараро каналлар мавжуд бўлиб, шундан, 17 812 км (62%) тупроқ ўзанли, 10 924 км (38%) бетон қопламали каналлардир. Жорий йилда манзилли дастурга киритилган 77 та объект доирасида жами 592,1 км, шундан, 562,7 км каналлар, 29,4 км лоток тармоқларини бетонлаштириш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами бетон қопламали каналлар узунлиги 11 516,5 км (40%)га етказилган.
25.	9-илова 7-банд. Камида 100 та йирик сув хўжалиги объектларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш.	2025 йил давомида	Ҳисобот даврида 16 та сув хўжалиги объектида автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтказилган. Андижон вилоятида 1 та (“Қўшариқ” гидроузели), Жиззах вилоятида 2 та (ДМ-1 каналидаги гидротехник иншоот ва Сангзор дарёсидаги 1-сонли сув тақсимлаш иншооти), Самарқанд вилоятидаги 1 та (“Қозоқбанд” сув тақсимлаш иншооти), Фарғона вилоятида 8 та (Жанубий Фарғона магистрал каналидаги “Қумтепа”, “Бўзахўр”, “Бўстон” ва “Ўзбекистон” гидроиншоотлари, “Олмазор” сув тақсимлаш иншоотлари, КАК тўйинтирувчи каналидаги бош иншооти, Яккатут-1-2 ва Зилха-2 сув тақсимлаш иншоотлари), Хоразм вилоятида 4 та (“Қўриқтом-1” каналидаги сув тусувчи иншооти, “Дўстлик яб”, “Эски Хонобод” ва “Қўриқтом” каналларидаги бош сув олиш иншоотлари) объектда қурилиш-монтаж ишлари якунланган.

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
26.	9-илова 8-банд. Насос станцияларидаги эскирган 1 069 та насосларни энергия тежамкорларига алмаштириш.	2025 йил давомида	Вазирлик тасарруфидаги насос станциялардаги эскирган 150 та насослар ҳамда 166 та электродвигателларни энерготежамкорларига алмаштириш белгиланган бўлиб, амалда жорий йил давомида Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан 157 та янги энергия тежамкор насосларга алмаштирилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 29 та, Андижон вилоятида 3 та, Бухоро вилоятида 15 та, Жиззах вилоятида 7 та, Қашқадарё вилоятида 9 та, Навоий вилоятида 6 та, Наманган вилоятида 25 та, Самарқанд вилоятида 12 та, Сирдарё вилоятида 5 та, Сурхондарё вилоятида 17 та, Тошкент вилоятида 9 та, Фарғона вилоятида 6 та, Хоразм вилоятида 14 та.
27.	9-илова 9-банд. Насос станцияларидаги эскирган 1079 та электродвигателларни энергия тежамкорларига алмаштириш.	2025 йил давомида	Жорий йилнинг январь-декабрь ойлари давомида насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан 166 та энергия тежамкорлар электродвигателлар янгисига алмаштирилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 19 та, Андижон вилоятида 9 та, Бухоро вилоятида 5 та, Жиззах вилоятида 5 та, Қашқадарё вилоятида 8 та, Навоий вилоятида 8 та, Наманган вилоятида 28 та, Самарқанд вилоятида 17 та, Сирдарё вилоятида 4 та, Сурхондарё вилоятида 18 та, Тошкент вилоятида 12 та, Фарғона вилоятида 15 та, Хоразм вилоятида 18 та.
28.	9-илова 10-банд. Энергия тежамкор қурилмалар ўрнатиш, насос станцияларини модернизация қилиш, уларнинг йиллик электр энергияси истеъмолини 30 фоизга камайтириш.	2025 йил давомида	Вазирлик тасарруфидаги насос станциялардаги эскирган 150 та насос ҳамда 166 та электродвигателларни энерготежамкорларига алмаштириш белгиланган бўлиб, амалда жорий йилнинг январь-декабрь ойлари давомида Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан 157 та насос ҳамда 166 та электродвигателлар янгисига алмаштирилган. Натижада 2025 йилда насос станциялар ва тик қудуқларни ишлатиш учун 6 840 млн. кВт/соат электр энергияси лимити белгиланган бўлиб, 10 декабрь ҳолатига амалда 5 860 млн. кВт/соат сарфланган ҳамда тасдиқланган лимитга нисбатан 100 млн. кВт/соат электр энергияси тежалишига эришилган.
29.	16-илова 10.1-банд. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш.	2025 йил декабрь	Солиқ қўмитаси билан интеграция қилинган ҳолда фойдаланувчиларнинг сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалари тузиш ҳамда ҳар ойнинг якуни билан сувдан фойдаланганлик бўйича далолатномалар тизимнинг ўзида шакллантириб шаффоф тарзда электрон мониторинг қилиб борилмоқда. 2025 йил 22 сентябрда бошлаб замонавий технологиялар билан жиҳозланган “Вазиятлар маркази” ишга туширилган, соҳада мавжуд барча ахборот тизимлари маълумотларини йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берувчи “Рақамли сув хўжалиги” ягона платформаси яратилган.

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
30.	16-илова 10.2-банд. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Сув тежовчи технологияларини жорий қилиш.	2025 йил декабрь	Республика бўйича жами 767 328 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича талабгорлар кесимида манзилли рўйхатлар ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва барча вилоят ҳокимликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган. Ушбу манзилли рўйхатга асосан Республика бўйича 74 680 гектарда томчилатиб, 35 303 гектарда ёмғирлатиб, 27 500 гектарда дискрет, 84 000 гектарда эгилувчан қувурлар, 10 000 гектарда эгатга плёнка тўшаб суғориш ва 535 845 гектарда лазерли текислаш режалаштирилган. Ҳисобот даврига қадар 879,6 минг гектар майдонда сув тежайдиган технологиялар, жумладан, 103,2 минг гектарда томчилатиб, 30,7 минг гектарда ёмғирлатиб, 13,7 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинган ҳамда 123,1 минг гектар майдонлар эгатга плёнка тўшаб ва эгилувчан қувурлар орқали суғорилган, 608,9 минг гектар майдонларда лазерли текислаш ишлари амалга оширилган.
31.	16-илова 10.3-банд. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ўтказиш ҳамда ёпиқ қувурли суғориш тармоқларини реконструкция қилиш орқали ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффицентини кўрсаткичини 0,68 гача етказиш.	2025 йил декабрь	Ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффицентини 0,68 га етказиш юзасидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилган. Сув йўқотилишининг асосий қисми тупроқ ўзанли каналларда кузатилаётганлиги сабабли республикадаги тупроқ ўзанли суғориш тармоқларини бетонлаштириш орқали каналларнинг фойдали иш коэффицентини оширишга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, капитал қўйилмалар ҳисобидан жорий йилда 553,3 км каналлар, 29,4 км лоток ва 49,1 км ёпиқ суғориш тармоқларида қуриш, реконструкция қилиш ва бетонлаштириш ишлари бажарилган. Шунингдек, Президент Администрацияси топшириғига мувофиқ фермер-кластерлар ҳисобидаги 4 641 км хўжалик ички суғориш тармоқлари; 2024 йилнинг куз ва 2025 йилнинг баҳор мавсумида кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 19,4 минг км узунликдаги хўжалик ички суғориш тармоқлари; туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ҳисобидаги икки ва ундан ортиқ истеъмолчига хизмат кўрсатувчи хўжалик ички суғориш тармоқларининг 1 413 км қисми бетонланган.
32.	16-илова 11.1-банд.	2025 йил февраль	Коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлари сифатининг мониторингини олиб бориш бўйича йиллик дастур ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Мазкур дастур режасида:

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
	Коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлари сифатининг мониторингини олиб бориш. Мониторингнинг йиллик дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.		коллектор дренаж-тармоқлари ва кузатув кудуқларининг сизот сувлар сатҳи ва минерализациясини таҳлил қилиш; мелиорация соҳасидаги ҳисоботларни шакллантириш; коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлари сифатининг мониторингини олиб бориш; “DIVER” қурилмаларини ўрнатиш ва ишчи ҳолатда сақлаш ҳамда маълумотлар узатилишини таъминлаш; мелиорация ахборот тизими дастури (МИС)га маълумотларни киритганлигини назорат қилиш белгиланган.
33.	16-илова 11.2-банд. Коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлари сифатининг мониторингини олиб бориш. Дала тадқиқотларини ташкил этиш ва коллектор-дренаж тармоқлари сувидан намуналар олиш.	2025 йил март-ноябрь	Вазирлик томонидан 2025 йил 17 февралда “Коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлар сифати мониторингини олиб боришни самарали ташкил этиш тўғрисида” йиллик дастур режаси тасдиқланган. Дастурга мувофиқ, республикадаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш, шунингдек, дренаж тизимлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш мақсадида дала тадқиқотлари ташкил этилган. Тадқиқотлар давомида 97 та асосий коллектор-дренаж тармоқларида сув намуналарини олиш ишлари бажарилган, сув чиқиш миқдори, минераллашув даражаси ва бошқа асосий кўрсаткичлар ўрганилган.
34.	16-илова 11.3-банд. Коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлари сифатининг мониторингини олиб бориш. Намуналарни таҳлил қилиш ва олинган натижаларни баҳолаш, мелиоратив кадастрни ишлаб чиқиш.	2026 йил январь	2025 йил давомида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш мақсадида дала тадқиқотлари ташкил этилган. Тадқиқотлар доирасида республика ҳудудидаги асосий коллектор-дренаж тармоқларида сув намуналари олинди, улар лаборатория шароитида таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида сув чиқиш миқдори, минераллашув даражаси ва бошқа асосий кўрсаткичлар ўрганилиб, олинган маълумотлар асосида таҳлилий ҳисоботлар тайёрланган. Мазкур таҳлиллар якунлари бўйича таҳлилий ҳисоботлар ва жадвал материаллари шакллантирилган. Шунингдек, мелиоратив кадастрнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланган суғориладиган ерларда сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви ҳамда тупроқ шўрланиши бўйича мунтазам мониторинг олиб борилган.

Т/р	Фармонга асосан вазирликка юклатилган топшириқ	Ижро муддати	Амалга оширилган ишлар (эришилган барча ижобий ютуқлар)
			Олинган маълумотлар, жумладан, асосий коллекторлар тармоқларининг сув-туз баланси ҳамда коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланиш кўрсаткичлари асосида сизот сувлари сатҳи ва тупроқ шўрланиши карталари шакллантирилиб, тегишли вазирлик ва идораларга амалий фойдаланиш мақсадида тақдим этилган.
35.	16-илова 11.4-банд. Коллектор-дренаж тармоқ-ларидаги сувлари сифатининг мониторингини олиб бориш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, манфаатдор вазирлик ва идораларга маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиш.	2026 йил 25 юнь	Топшириққа мувофиқ, коллектор-дренаж тармоқлари сувлари ҳамда ер ости сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашув даражаси тўғрисидаги ҳар чораклик ҳисоботлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим қилиб борилмоқда. Ушбу ҳисоботда қуйидагилар инобатга олинган: – Республикадаги асосий коллекторлардан чиққан сув миқдори ва минерализацияси; – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда суғориладиган майдонларга суғориш орқали кириб келган ва коллектор-дренаж тармоқларидан чиқиб кетган тузлар; – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда суғориш учун олинган сув, коллектор-дренаж тармоқ-ларидан чиққан сувнинг миқдори ва минерализацияси; – коллектор-дренаж тармоқларидан чиққан сув ва унинг қайта суғоришга ишлатилиши кўрсаткичи; – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда коллектор-дренаж тармоқларидан (КДТ) чиқиб кетадиган сувларни қайта ишлатилиши; – 2025 йилда сизот сувлари сатҳи муаммоли (0–2 м) бўлган майдонларнинг ўзгариши; – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда суғориладиган ер майдонларини сизот сувларининг жойлашиш сатҳи.